



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Рўзметов тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар уни такомиллаштиришга қаратилган барча тақлифларни қўриб чиқдилар. Кирилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят намуналари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблардан, ҳужжат барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида модда-модда муҳокама қилинганидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

"Ветеринария тўғрисида"ги ва "Усимликлар қарантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг аъзоси Қ.Иброҳимов тақдим этди. Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси батафсил қўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси С.Маҳмудовнинг маърузаси бўйича депутатлар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида депутатлар бозор муносабатлари шароитида акциядорларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар ва қонун лойиҳасининг бир қатор нормаларини янада аниқ таърифлашга қаратилган тақлифлар киритдилар. Ушбу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ш.Каримов "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида депутатлар фуқаро-

лар ҳаёти ва соғлигини, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида техник тартибга солишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини аниқ белгилаш ҳамда бу соҳада ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар. Депутатлар томонидан киритилган тақлифларни муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган тақлифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларнинг муҳокамасини кейинги ҳафтада давом эттирадилар.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига



ОЗОД ЮРТНИНГ ОТАХОН ЎҚУВ ЮРТИ

Президентимизнинг "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори мазкур таълим даргоҳи учун юксак эҳтиром рамзидир

Мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ўқув юрти – Ўзбекистон Миллий университетига айни пайтда 11 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Уларга 21 нафар академик, 225 нафар фан доктори ва профессор, 575 нафар фан номзоди ва доцентлар илм-фан сирларини ўргатиш-япти. 19 нафар докторант, 220 нафар аспирант ва 156 нафар тадқиқодчи илмий тадқиқодлар олиб бораёпти.

Сўнгги беш йил давомида уни-

верситет олимлари томонидан 60 га яқин дарсликлар, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмалари, 200 га яқин ўқув услубий қўлланмалар чоп этилди. Дорифунун профессор-ўқитувчилари Москва, Санкт-Петербург давлат университетлари, Омск давлат университети, Рязань шаҳридаги Ост-Лазер маркази ва бошқа кўпбал илмий муассасалар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришмоқда. Булардан ташқари, Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия давлатларидаги

қатор илмий муассасалар билан ҳам яқин алоқа ўрнатилган. Университетнинг 90 йиллигини нишонлашга оид тадбирлар режасида белгиланган вазифалар билан ҳамоханг. Айни кунларда "Ўзбекистон Миллий университети тарихи архив ҳужжатларида" номли хрестоматия фатоалбом тайёрлаш, олий ўқув юртининг янги музейини очиш, нодир китоблар ва қўлёзма манбалар кўргазмаларини ташкил этишга қизғин ҳозирлик қўри-

моқда. Қолаверса, юбилей муносабати билан шу йил август ойда – "Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли" мавзусида халқроқ конференция, сентябрь ойда – "Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" шiori остида мамлакатимиз олий ўқув юртида талабалари фестивали ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.
Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Испания Кириллиги Халқ ҳимоячиси Эрике Муғика Герцог раҳбарлигидаги Испания Омбудсмени делегацияси аъзолари 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм, Омбудсман иши, ҳуқуқ-тартибот ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуваридида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Испаниянинг олий қонун чиқарувчи органлари ва Омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. 2007 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича вакили билан Испания Кириллиги Халқ ҳимоячиси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Томонлар парламентлар ва Омбудсманлар ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Испания Омбудсмени делегацияси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан ҳам музокара ўтказди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

(ЎЗА)

АДВОКАТУРА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа ақралмас ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, Бош Қомиссияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ижтимоий қадриятлар конституциявий принцип даражасига кўтарилиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан бўлиб, бунда адвокатура асосий ўринини эгаллайди. Шунинг учун Конституцияимизнинг 116-моддасида тергов ва суд иши юртишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, бу фаолиятини амалга ошириш адвокатура институти зиммасига юклатилган. Бугунги кунда мамлакатимизда 6,5 минг нафардан ортиқ адвокатларни бирлаштирувчи 854 та адвокатлик бюроси, хайъат ва фирмаларини ўз ичига қамраб олган кенг тармоқли адвокатлик муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилишда айтилдики, қонун



ҳужжатларида адвокат гувоҳномаси ва муайян ишда иштирок этиш учун орденинг шакли ва мазмунига бўлган мажбурий талаблар тартибга солинмаган. Бу эса, айрим ҳолларда ҳимояланувчи манфаатларини йододалашда адвокат ваколатларининг ишончлилигини аниқлаш имконини бермаёпти. Бундан ташқари, гаيري-кроний ёки ноғоя қилмишлари учун лицензияланган маҳрум қилинган адвокатлар, ҳеч бир малакага эга бўлмаган шахслар сохта адвокатлик гувоҳномасидан фаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда.

– "Адвокатура тўғрисида"ги қонун адвокатларнинг давлат реестрини да бўлди. Қонун лойиҳаси қизгин



баҳс-мунозарда таҳлил қилинди. Иштирокчилар томонидан лойиҳани янада такомиллаштириш борасида тақлиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда депутатлар томонидан қўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан маъқуллашга келишиб олинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.

Фракция йиғилиши

депутатлар томонидан
қизгин муҳокама қилинди

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ёхуд жамоатчилик назорати амалда

Хар қандай ҳуқуқий демократик жамият тарқийётида жамоатчилик назорати муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг билан олган ҳолда биз ўз фаолиятимизни тубдан ўзгартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда бу борада йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳрининг қатор маҳаллаларида қиш даврида аҳолига табиий газ етказиб беришда узил-пирил содир бўлгани ҳолда, ҳисоб-китобларда чалқашликлар содир этилгани аниқланди. Хусусан, шаҳардаги 90 дан зиёд маҳаллалардаги хонадон эгаллари, яъни истеъмолчилар сони 2006 йил май ойи ҳолатига қўра, 48641 киши қилиб кўрсатилиб, уларнинг қарздорлик суммаси 3 миллиард 396 миллион 536 минг 475 сўм қилиб белгиланган. Аммо ҳақиқий аҳвол бошқача экан. Маълум бўлишича, аҳоли сони 37989 нафардан зиёд эмас. Газдан қарздорлик эса 639 миллион 130 минг 562 сўмни ташкил этди.

Мақола муқаддимасида қарорлар ижроси ҳақида сўз юритганимиз беҳиз эмас. Самарқанд шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти томонидан Республика Адвокатлар ассоциацияси вилот бўлими ҳузуридаги ҳакамлик судига даъво аризаси киритилди. Суд ҳайъати бу масалани хар томонлама қўриб чиқиб, 2 миллиард 757 миллион 405 минг 946 сўм ҳақиқатдан ҳам истеъмолчилардан нотўғри ундириб олингани ва бундай қонунбузарликка бошқа йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланиб, ҳал қилув қарори чиқарилди. Лекин, бу қарор ҳамон ўз ижросини топганича йўқ. Ўйлашимизки, мутасаддилар бу борада зарур чора-тадбирлар қўришади.

Негаки, мамлакатимиз Президенти 15 апрель куни халқ депутатлари Самарқанд вилоти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ҳам бу йўналишда, хусусан, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида йўл қўйлаётган камчиликларни кескин танқид қилиб, "...Юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлар ўлда-жўлда қилиб кетмоқда", дея алоҳида таъкидладилар. Юқорида биз баён қилган муаммо ҳам худди шундай ўлда-жўлда қилиб келаётган муаммо бўлиб қолмаслиги керак.

Эшмамат ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Самарқанд вилоти Кенгаши котиби.

Тиббиёт

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

келажак авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади, — дейди Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Х.Хўжамшукуров

Сурхондарёнинг Шўрчи туманида бугунги кунда 153 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби бу туманда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилётгани аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Айни пайтда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 4 та шифохона, 15 та қишлоқ врачлик пункти, болалар, катталар ва стоматология поликлиникалари, сил диспансери, 3 та тиббий тез ёрдам шохбаси ишлаб турибди. Уларда 257 нафар малакали врач, 1218 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 420 нафар кичик тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

Туман марказий шифохонаси 420 ўринга, юқумли касалликлар шифохонаси 40 ўринга, тери-таносил касалликлари диспансери 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, уларда даволаш-профилактика ишлари самарали олиб борилаяпти. Амбулатор-поликлиника шароитида ташкил қилинган 18 та муассасада эса ўтган йил мобайнида 3560 нафар бемор даволаниб чиқди.



Ораимиздаги одамлар

ЭЗГУЛИК УЛАШИШ БАХТИ

Турмушимизни телевидениесиз тасаввур этолмаймиз. Зеро, энг сўнгги янгиликлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва спорт соҳаларига доир таҳлилий лавҳалар, бизни "зангори экран"га чорлаб туради. Ҳар бир кўрсатув ортда ўнлаб ижодкорлар туришини баъзан ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

ADOLAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA MUASSIS: UZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYOSIY KENGAHI www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Узининг айтишига кўра "нафис адабиёт муаллими" ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сизнинг қулоғига яна қана тушибди! Канадан ҳам кўра сизнинг унинг аччиғини келтирди: қанаи терай деса кўймайди — бошини силқийди, пишқиради.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Х.Хўжамшукуров. — Шунинг учун туғиш ёшида аёлларнинг тиббиёт ходимларининг доимий назоратида бўлишига ҳаракат қилаймиз. Биргина ўтган йил давомида туғиш ёшидаги 40126 нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ШИЖОТ

Унинг "Менинг Ватаним", "Бунёдкорлик" фильмларида Сурхондарё вилоятида барпо қилинган "Тупаланг" ГЭСи, Наманган вилоятида бунёд этилган "Резаксой" сув омбори, Навоий вилоятидаги қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти акс эттирилган.

Бош муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

ган экан, устма-уст тўрт пилла чой ичди ва терлади. — Чуварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, — деди юзидagi тери артиб.

ТАЪЛИМ

КИТОБ ЎҚИШ УРФДАН ҚОЛДИМИ?

Яқин ўтмишда ота-боболаримиз "Минг бир кеча"ни, "Калила ва Димна"ни, "Шоҳнома"ни, "Бўстон"у "Гулистон"ни мутулаа қилиб, завқ шавқ олишганини кўп эшитганмиз.

Таҳрир ҳайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚУЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади.

Хоразм вилоятидаги Гурлан Иқтисодиёт касб-хунар коллежи яқинда ишга туширилган бўлсада малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича яхши натижаларни кўлга киритишга муваффақ бўлди.

МУЛОҲАЗА

Уша пайтларда китобни шариллатиб ўқийдиган саводли кишилар камроқ эди. Хўжалик таълимчили Мама-соли исмли йигит китобни равоқ қилди, уни ҳамма хурмат қиларди.

ДОҒБОЛАР ДЭЙДУЛАРКА... Умринг бутун маъноси маъмулкини тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳаммиса кўпроқ билишга интилишдир.

Хамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқиш йилида яна нималар ўқила- жаниги сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида фи- зиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор экани- ни айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

Хамида ўн олти ёшлардаги тирик, қувноқ қиз, поч- часини кўриб севиниб кетди. — Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб кел- лар эканман... эсимгина...

XX аср ўзбек ҳикояси

Ўртоқ Боқоев яна бир пи- ёла чой сўради. — Чеховми? Ҳимм... бур- жуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди • «Адолат»дан кўчириб олинган саҳифа таҳририят ружхати билан амалга оширилади.

— "Уйку истаги" қайси Че- ховники? — деди Хамида. — Ҳеч шубҳасиз, бу Че- ховники. Бу нараса биринчи марта "Современник" жур- налида босилган.

Ўртоқ Боқоев яна бир пи- ёла чой сўради. — Чеховми? Ҳимм... бур- жуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак.

АДОБИЁТ МУАЛЛИМИ

бун бутун гуноҳини унинг ҳўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига кўймоқчи- ман. Мана шу... Шунинг ёшдаги. Шу тўғрида сиз- нинг фикрингизни билмоқчи- ман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ Саҳифаловчи — Латифжон ТУРСУНОВ